

[REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

[REDACTED] йил [REDACTED] ойининг [REDACTED] куни, [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносидан, очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи [REDACTED], ҳайъат судьялари: [REDACTED] ва [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан [REDACTED] вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурорлари [REDACTED] ва [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокатлари [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] йил [REDACTED] октябрдаги ҳукмига нисбатан судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокатлари [REDACTED] ҳамда [REDACTED] томонидан апелляция тартибда келтирилган шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] йил [REDACTED] октябрдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED] йил [REDACTED] февралда [REDACTED] вилояти, [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, [REDACTED] нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, нафақахўр, [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] -уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда, 5 йил озодликни чеклаш жазосига судланган.

АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалига етказилган [REDACTED] сўм зарарни ундириш гаровга қўйилган [REDACTED] тегишли бўлган [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] боғи ҳудудида жойлашган [REDACTED] сўмга баҳоланган “[REDACTED]” мажмуасига қаратилиб, сотувдан тушган маблағлар ҳисобидан [REDACTED] сўм ундирилиб, маблағларнинг қолган қисми [REDACTED] тегишли тартибда қайтарилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди апелляция инстанциясининг [REDACTED] йил [REDACTED] декабрдаги ажримига кўра, суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилиб, судланувчи [REDACTED] ва



АТБ “Микрокредитбанк” филиалига етказилган сўм зарар солидар тартибда ундириш белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг йил ги ажрими билан жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг йил и ажримининг оид қисми бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган бўлиб, ажримда иш янгидан апелляция инстанциясида кўрилишида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар ва шикоятдаги важлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши, ишда мавжуд бўлган камчилик, қарама-қаршилиқ ва ноаниқликлар бартараф этилиши, шундан сўнггина иш бўйича қонуний тўхтамга келиниши лозимлиги қайд этилган.

Мазкур ҳукм билан , ва ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, “” хусусий корхонаси раҳбари ҳамда турмуш ўртоғи номига очилган “” хусусий корхонасининг хуфёна раҳбари сифатида ишлаб келиб, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида, судланувчи нинг ёрдамида ва иштирокида, АТБ “Микрокредитбанк” филиалидан йил ноябрдаги -сонли кредит шартномасига асосан миллион сўм кредит маблағлари ажратилишига эришиб, ушбу кредит маблағларининг миллион сўмини макарон ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиш мақсадида йил ноябрда -сонли сохта шартнома расмийлаштириб, ушбу сохта шартномага кўра, “” хусусий корхонаси ускуна етказиб берувчи ва “” хусусий корхонаси буюртмачи эканлиги кўрсатиб, имзосини сохталаштириб, ушбу шартноманинг сохталигини била туриб, уни АТБ “Микрокредитбанк” филиалига тақдим этиб, ўзининг ушбу ҳаракатлари орқали кредит маблағларини ўзлаштириш каби ўзининг ғараз мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланиб, ушбу миллион сўм кредит маблағларини турмуш ўртоғи номига очилган ва бевосита ўзи хуфёна раҳбари сифатида ишлаб келаётган “” хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказиб, сўнггра ушбу корхона ҳисоб рақамидаги пул маблағларини ун сотиб олиш учун шаҳри, қўрғонида жойлашган “” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб, ушбу жамиятдан ун маҳсулотлари олиб келиб, ундан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотларини терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга назорат касса машиналаридан фойдаланмаган ҳолда нақд пулларда сотиб юбориб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган ҳолда нақд пулларни белгиланган тартибда банкка кирим қилмасдан, тушган пуллардан миллион сўмини нақд пул шаклида турмуш ўртоғи номига очилган ва бевосита ўзи хуфёна раҳбари сифатида ишлаб келаётган “” хусусий корхонасининг АТБ “Микрокредитбанк” филиалидан



олинган кредит қарздорлигини қоплашга йўналтириб, қолган пулларни жиноий шериги [REDACTED] билан биргаликда ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалига тегишли бўлган жами [REDACTED] миллион сўм жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек, судланувчи [REDACTED], “[REDACTED]” хусусий корхонасига ажратилган [REDACTED] миллион сўм кредит маблағларининг [REDACTED] миллион сўмини ун сотиб олиш учун [REDACTED] шахри, [REDACTED] қўрғонида жойлашган “[REDACTED]” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб, ушбу жамиятдан ун маҳсулотлари олиб келиб, ундан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотларини терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулда сотиб юбориб, такроран савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган ҳолда нақд пулларни белгиланган тартибда банкка кирим қилмасдан, савдодан тушган пулларни жиноий шериги [REDACTED] билан ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалига тегишли бўлган жами [REDACTED] миллион сўм жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED], “[REDACTED]” хусусий корхонаси раҳбари ҳамда турмуш ўртоғи [REDACTED] номига очилган “[REDACTED]” хусусий корхонасининг хуфёна раҳбари сифатида ишлаб келиб, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш йўли билан ноқонуний даромад манбалари ва ҳажмларини ошириш мақсадида судланувчи [REDACTED] ёрдамида ва иштирокида, АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалидан [REDACTED] йил [REDACTED] мартдаги [REDACTED]-сонли кредит шартномасига асосан [REDACTED] миллион сўм кредит маблағларини олишга эришиб, ушбу пул маблағларини [REDACTED] йил [REDACTED] январдаги шартномага асосан ун сотиб олиш учун [REDACTED] шахри, [REDACTED] қўрғонида жойлашган “[REDACTED]” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб, ушбу жамиятдан ун маҳсулотлари олиб келиб, уни маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, [REDACTED] билан бирга турли йўллар ва усуллар билан нақд пулларга сотиб юборилишига эришиб, сотувдан тушган пулларни ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалига тегишли бўлган жами [REDACTED] миллион сўм жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар.

Апелляция шикоятда, [REDACTED] номақбул далилларга асосан асосиз судлангани, кредитнинг ноқонуний берилишида банк ходимларининг айби борлиги ҳақида важлар келтирилиб, суд ҳукмини бекор қилиб, [REDACTED] оқлаш сўралган.

Судлов ҳайъати, вилоят судининг судьяси [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг адвокатлари [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятдаги



важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED] гарчи ўз айбига иқдорлик билдирмаган бўлсада, унинг суд ҳукмида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби, “[REDACTED]” хусусий корхонаси ва АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиали мансабдор шахслари кредит маблағларини ажратганлиги ҳолати бўйича тўпланган ҳужжатлар, “[REDACTED]” хусусий корхонасидан [REDACTED] тегишли бўлган “[REDACTED]” МЧЖга, ХТ “[REDACTED]”га, “[REDACTED]” хусусий корхонасидан [REDACTED] қизини номида бўлган ЯТТ “[REDACTED]” пул маблағлари ўтказиб берилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномалари, кредит шартномаси ва кредит йиғма жилди ҳужжатлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, судланувчи [REDACTED], [REDACTED] томонидан “[REDACTED]” хусусий корхонасига АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалидан [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрдаги [REDACTED]-сонли кредит шартномасига асосан [REDACTED] сўм ва АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалидан [REDACTED] йил [REDACTED] мартдаги [REDACTED]-сонли кредит шартномасига асосан [REDACTED] сўм кредит маблағлари олинишида ўзига тегишли бўлган, [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] боғи ҳудудида жойлашган “[REDACTED]” мажмуасини гаровга қўйиб, манфаатдор бўлиб, [REDACTED] томонидан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинишида иштирокчилик қилган.

Мазкур жиноят иши бўйича судланган [REDACTED], [REDACTED] йил август-сентябрь ойларида [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳрига борган вақтида фуқаро [REDACTED] муқаддам “Агробанк” [REDACTED] филиалидан қарздорлиги борлигини билиб, одамгарчилик юзасидан “[REDACTED]” ХКнинг [REDACTED] шаҳридаги “Ҳамкорбанк” филиалидаги ҳисоб рақамидан [REDACTED] сўм пулни [REDACTED] тегишли “[REDACTED]” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб бергани, шундан сўнг [REDACTED] билан яқиндан таниш бўлганлиги учун [REDACTED] нақд пул ҳам бергани, шу пуллар “[REDACTED]” ХКнинг оборот пуллари бўлгани, у фуқаро [REDACTED] ўзи берган пулларни қайтаришини сўраган вақтда, [REDACTED] бирор-бир банкдан каттароқ кредит олиб бирга ишлашни таклиф қилгани, [REDACTED] билан [REDACTED] сўм кредит олишга келишгани, келишувга кўра [REDACTED] унга [REDACTED] сўм беришини, қолган кредит пулларида ўзи фойдаланиши, кредит пулларини ёпа олмаган тақдирда гаровга қўйилиши режалаштирилаётган [REDACTED] тегишли “[REDACTED]” биносига қаратилишини айтгани, сўнг “[REDACTED]” ХКнинг устави, баланс ҳисоботи, гувоҳномаси, обороткаси ва [REDACTED] тегишли “[REDACTED]” биносининг кадастр ҳужжатларини олиб [REDACTED] билан “Микрокредитбанк”нинг [REDACTED] туманига боргани, банк [REDACTED] имлари [REDACTED] туманига бориб унинг ишлаб турган макарон ишлаб



чиқариш корхонасини ҳамда гаровга қўйилаётган [REDACTED] шахридаги “ [REDACTED] ” биносини бориб кўришгани, банк бошқарувчиси [REDACTED] унга бирдан [REDACTED] сўм кредит бера олмаслигини, дастлаб [REDACTED] сўм бериши, қолганини ишни кетишини кўриб кейин беришини айтгани, “ [REDACTED] ” ХКга [REDACTED] йил [REDACTED] -сонли кредит шартномага асосан [REDACTED] сўм, [REDACTED] йил [REDACTED] мартдаги [REDACTED] -сонли кредит шартномасига асосан [REDACTED] сўм кредит ажратилгани, ажратилган пулга ун сотиб олгани ва макарон ишлаб чиқариб, нақд пулларга сотгани, сотувдан тушган пулларни касса аппаратидан чек урмасдан, банкка топширмасдан келишувга кўра, [REDACTED] йил [REDACTED] ойида [REDACTED] жами [REDACTED] сўм нақд пулларни бергани, шунингдек, яна [REDACTED] сўм, [REDACTED] халта жами [REDACTED] тонна унни [REDACTED] сўмга ҳисоблаб [REDACTED] бергани, [REDACTED] сўм пулни [REDACTED] бўлиб-бўлиб нақд пул кўринишида уйига олиб бориб бергани, кредитдан жами [REDACTED] сўмини [REDACTED] ва [REDACTED] сўмини ўзи ишлатиб юборгани, [REDACTED] алдамагани, унинг ўзи шу йўлни унга таклиф қилгани, [REDACTED] ўша вақтда банкдан кредит ололмаганлиги сабабли, у орқали банкдан пул олгани, [REDACTED] ўзи кредит олишдан манфаатдор бўлгани ва гаровга ўзига тегишли мулкни қўйгани, [REDACTED] йил [REDACTED] ва 2 [REDACTED] йил [REDACTED] тузилган баҳолаш тўғрисидаги келишув далолатномалари “Микрокредитбанк”нинг [REDACTED] филиали биносида унда кўрсатилган саналарда тузилгани, ундаги имзолар [REDACTED] тегишли эканлиги, “Ипотека гаров шартномаси”нинг тузилишида, суғурта шартномаларининг тузилишида ҳам [REDACTED] иштирок этганлиги, нотариус ва суғурта ташкилоти ходими томонидан унга тузилаётган шартнома шартлари тўғрисида ва унинг оқибатлари хусусида [REDACTED] тўлиқ тушунтиришлар берилгани, [REDACTED] билан келишиб кредитни олиб, мақсадсиз ишлатганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

“ [REDACTED] филиалида бошқарувчи бўлиб ишлаган ва мазкур жиноят иши бўйича судланган [REDACTED], “ [REDACTED] ” ХКга [REDACTED] ил [REDACTED] -сонли кредит шартномага асосан [REDACTED] сўм, [REDACTED] “ [REDACTED] ” хусусий корхонасига [REDACTED] сўм кредит ажратилгани, [REDACTED] танимаслигини ва уни [REDACTED] туманига борган вақтида 2 марта кўргани, расмийлаштирилган барча ҳужжатларни тузилишида [REDACTED] шахсан ўзи қатнашгани ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ [REDACTED], “Микрокредитбанк” [REDACTED] томонидан “ [REDACTED] ” ХКга [REDACTED] -сонли кредит шартномага асосан [REDACTED] сўм ва [REDACTED] йил [REDACTED] -сонли кредит шартномага асосан [REDACTED] сўм маблағлари ажратилганлигидан хабардорлиги, унга олдиндан таниш бўлган ва у билан бирга ишлаган [REDACTED] туманида яшовчи [REDACTED] унга “болаларим билмасин, менинг дардим бор, фоизга қарз олиб ботиб қолдим, “Агробанк” [REDACTED] филиалидан қарзим бор, шу сабабли банк [REDACTED] биносини олиб қўйяпти” деб йиғлаб, унга “турмуш ўртоғингиз [REDACTED] Сизга йўқ



демайди, шу кредитни ёпмасам бинони мусодара қиламиз дейишмоқда, ҳисоб рақамингиздан пул ёки ўзларингиздан пул бериб тулинг” деб илтимос қилгани, шунда у [REDACTED] “ўзингиз турмуш ўртоғим билан гаплашинг” дегани, [REDACTED] ва турмуш ўртоғи [REDACTED] ўзаро гаплашишгани, [REDACTED] кўп пулларни [REDACTED] бериб кетганини кўргани, “ [REDACTED] ” ХКдан [REDACTED] йил сентябрь ойида [REDACTED] млн. сўм [REDACTED] қизининг номига очилган ЯТТ “ [REDACTED] ” деб номланган корхона ҳисоб рақамига молиявий ёрдам қайтариб бериш шарти билан ўтказилгани, турмуш ўртоғи [REDACTED] билан олди берди қилгани, турмуш ўртоғи [REDACTED] млн. сўм пул берганини эшитгани, бунинг орасида қанчаси қарз эканлигини билмаслиги, лекин турмуш ўртоғи [REDACTED] сўм қарз бергани ҳақидаги тилхатни нусхасини ўқиганлиги, [REDACTED] билан [REDACTED] йилнинг охирида [REDACTED] йилнинг бошларида танишгани [REDACTED] йилда [REDACTED] тегишли бўлган “ [REDACTED] ” биносида учрашиб қолганида [REDACTED] унга “қарзимни ёпмасам, “Агробанк” [REDACTED] филиали ходимлари мулкимни олиб қўйишмоқчи, акам [REDACTED] ҳамма банкдан кредит олиб қарздор бўлиб, тўламасдан юрибди, шу сабабли банклар бизга кредит бермайди, турмуш ўртоғингизни кредит олишга кўндириб беринг” дегани, шу орада “Агробанк”нинг 2 нафар ходими [REDACTED] олдига келиб қарздорлигини зудлик билан тўлашни, бўлмаса биносини олиб қўйишларини айтишгани, у [REDACTED] “ўзингиз турмуш ўртоғим билан гаплашинг” дегани, [REDACTED] йилда “ [REDACTED] ” хусусий корхонасидан [REDACTED] қизининг номига очилган ЯТТ “ [REDACTED] ”нинг ҳисоб рақамига бўлиб-бўлиб жами [REDACTED] сўмни молиявий ёрдам сифатида қайтариб бериш шарти билан ўтказилгани, [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] билан ўзлари келишиб кредит олишгани, [REDACTED] кредит олгунга қадар [REDACTED] “Агробанк” [REDACTED] филиалидан кредит қарздорлиги бўлгани, мазкур кредит бўйича “ [REDACTED] ” биноси гаровга олинганидан хабари бўлгани, [REDACTED] билан [REDACTED] туманига бориб [REDACTED] билан учрашиб, унга пул берганини кўргани, ушбу ҳолат бир неча марта бўлгани, у [REDACTED] “нима сабабдан пулни [REDACTED] беряпсиз” деганида, [REDACTED] унга аралашмаслигини айтгани, [REDACTED] қанча пул берганини билмаслиги, ўша вақтда у автомашинада ўтиргани, [REDACTED] “ [REDACTED] ” хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига [REDACTED] сўм пул ўтказилганидан, мазкур пул қаерга ишлатилганидан ва ун маҳсулотлари қаердан олингани ва қаерга олиб борилганидан хабари йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ [REDACTED], [REDACTED] ва унинг акаси [REDACTED] 2015 йилдан буён таниши, улар билан бир маҳаллада яшаши, [REDACTED] йилда уни турмуш ўртоғи [REDACTED] билан ўзаро келишиб, Халқ банки [REDACTED] туман филиалидан [REDACTED] сўм миқдорида кредит маблағларини олишгани, ушбу кредит маблағларини олиш учун [REDACTED] “ [REDACTED] ” русумли автомашинаси ва [REDACTED] шаҳридаги 5 хонали квартираси гаровга [REDACTED] лгани, ушбу кредит маблағларини олишдан аввал [REDACTED] унга банклар



кредит бермаганлиги сабабли уни турмуш ўртоғини кредит олишга кўндиргани, [REDACTED] кредит маблағларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли ундирув гаров мулкига қаратилгани, лекин [REDACTED] тузилган кредит шартномаларини тан олмасдан, нотариус ҳужжатлари сохта эканлигини ваъж килиб, кредит маблағларини тўлашдан бош тортиб улар билан судлашиб юргани, [REDACTED] йилларда у [REDACTED] устидан турли юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилаверганидан сўнг уни уйига [REDACTED] синглиси [REDACTED] келиб, [REDACTED] бир тадбиркор билан ун савдоси билан шуғулланаётганини, ушбу унларни сотиб уни кредитини тўлаб беришларини айтишгани, дастлаб уларнинг сўзларига ишонмагани, кейинчалик [REDACTED] шаҳридаги ун маҳсулотлари улгуржи сотиладиган бозорда [REDACTED] ва унинг опаси [REDACTED] ун маҳсулотларини юк автомашинасидан туширишаётганини ва пулларини олишаётганини кўргани, кейинчалик [REDACTED] ва унинг акаси [REDACTED] тадбиркор [REDACTED] ҳам алдаб кетишганини эшитгани ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ [REDACTED], [REDACTED] йилдан буён “[REDACTED]” МЧЖ [REDACTED] вилоят минтақавий филиалида ишлаши, [REDACTED] ва [REDACTED] “[REDACTED]” МЧЖнинг ҳамкори бўлиб, “[REDACTED]” МЧЖнинг маҳсулотларини сотишда реклама менежери бўлиб ишлашлари, [REDACTED] йилларда [REDACTED] унга мурожаат қилиб, у раҳбарлик қилаётган “[REDACTED] фермер хўжалиги” МЧЖ номига биргаликда уни номига кредит олишни, ушбу кредит олиш учун ўзининг [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳри бозорида жойлашган савдо дўконини гаровга қўйишини, кредит маблағларини биргаликда ишлатишларини, ҳар ким ўзининг улуши бўйича кредит қарзини қоплашини айтгани, шу вақтлари унга ҳам фермер хўжалиги учун трактор олиши керак бўлганлиги сабабли рози бўлгани, сўнг улар ҳужжатларни тўплаб “Асака банк” [REDACTED] филиалига мурожаат қилишгани, бироқ банк [REDACTED] шаҳри бозорида жойлашган савдо дўконини гаровга қабул қила олмаслигини билдиргани, сўнг бу таклифдан воз кечгани, шу вақтлари [REDACTED] унга худди шундай шерикчиликда [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED] билан биргаликда банкдан кредит олишмоқчилиги, шундай қилса нима дейишини сўрагани, у [REDACTED] шерикчиликда кредит олиш яхши эмаслиги, ўзини номига кредит олиб ишлатишини айтгани, кейинчалик [REDACTED] ва [REDACTED] биргаликда банкдан кредит олишганини эшитгани ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ [REDACTED], [REDACTED] макарон цехида ёлланма ишчи бўлиб ишлаши, [REDACTED] йилда санаси ёдида йўқлиги иши эртароқ тугаганлиги учун [REDACTED] унга “[REDACTED] бир кишига пул бериб келамиз”-дегани, шундан сўнг [REDACTED] ишхонадан пул солинган қутиларни автомашинага юклагани, бироқ миқдорини билмаслиги, [REDACTED] кетиш йўлида [REDACTED] аёл кишига кўнғироқ қилиб, пулни қаерга олиб боришини сўрагани, аёл киши “[REDACTED] келганингиздан кейин кўнғироқ қилинг, ўзим айтаман қаерга бориш кераклигини” дегани, [REDACTED] туманига кетиш йўлида пулни [REDACTED] бергани, [REDACTED] билан 2 марта пул олди-берди қилганини билиши, лекин қанча миқдорда пул берганини билмаслигини,



■.■■■■■■■■ ишхонасига 2-3 киши келиб, ■.■■■■■■■■ бўлган тилхатни йиртиб ташлашганини кўрганлигини, тилхатни йиртиб ташлаган шахсни танимаслиги ва тилхатда нима ёзилганини ҳам билмаслиги ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ ■.■■■■■■■■, ■■■■ йилдан ■■■■ йил ■■■■ ойига қадар “■■■■■■■■” АТБ ■■■■ филиалида Электрон ахборотларни қайта ишлаш бўлими етакчи мутахассиси вазифасида ишлагани, унга ■■■■ йил ■■■■ кунни “■■■■■■■■” АТБ ■■■■ филиали томонидан кўчмас мулкни гаровга қабул қилиш қийматини келишув далолатномаси кўздан кечириш учун тақдим этилгани, далолатнома ҳақиқатда банкнинг масъул ходимлари, ■.■■■■■■■■ ва ■.■■■■■■■■ иштирокида расмийлаштирилгани, мазкур далолатномани тузишда банк бошлиғи томонидан чиқарилган буйруққа асосан иштирок этгани, далолатномани тузишда унда номлари келтирилиб имзо чеккан банк ходимлари, яъни ■.■■■■■■■■, ■■■■, ■■■■, ■■■■, ■■■■, судланувчи ■.■■■■■■■■ ва ■.■■■■■■■■ иштирок этишгани ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ ■.■■■■■■■■, АТБ “■■■■■■■■” ■■■■ филиали бош ҳисобчиси вазифасида ишлаши, ■■■■ йил ■■■■ ойида “■■■■■■■■” АТБ ■■■■ филиали бош ҳисобчиси вазифасини вақтинча бажарувчи вазифасида ишлаган вақтида у кредит комиссиясига аъзо сифатида киритилгани, ■■■■ йил ■■■■ ойида “■■■■■■■■” ХК ■■■■ сўм кредит олиш мақсадида “Микрокредитбанк” АТБ ■■■■ филиалига мурожаат қилгани, ушбу корхонага ■■■■ сўм кредит ажратишга қарор қилинганлигини ва у ҳам кредит қўмита аъзоси сифатида ушбу баённомани имзолаб бергани, фуқаро ■.■■■■■■■■ ва ■.■■■■■■■■ шахсан танимаслиги, уларни фақатгина шу кредит юзасидан АТБ “Микрокредитбанк” ■■■■ филиалига келишганларида кўргани ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ ■■■■, ■■■■ йил ■■■■ ойдан ■■■■ йил ■■■■ ойига қадар “■■■■■■■■” АТБ ■■■■ вилоят филиали жисмоний шахсларни кредитлаш бўлими мутахассиси вазифасида ишлагани, “■■■■■■■■” ХКга ■■■■ йил ■■■■ ноябрдаги ■■■■-сонли кредит шартномага асосан ■■■■ сўм кредит ажратилгани, ■■■■ тегишли “■■■■■■■■” гаровга олингани, кредит сиёсатида бошқа ҳудуд дейилганда бошқа вилоят назарда тутилгани, фуқаро ■.■■■■■■■■ ва ■■■■ йил ■■■■ ойларида “■■■■■■■■” вилоят филиалига кредит ажратишни сўраб борганларида кўргани ҳақида кўрсатуви, судланувчи ■■■■ судланувчи ■■■■ ва унинг турмуш ўртоғи ■■■■ пухта уйлаб, олдиндан режалаштиришиб, унинг мулкни гаровга қўйишга эришишганлиги, кредитдан манфаатдор бўлмаганлиги ҳақида шикоятда келтирган важларини рад этиб, далиллар узвийлигини тасдиқлаб, биринчи босқич судининг хулосасини асосли эканлигини ўзида акс эттиради.

Олий суд ажримида, жиноят ишини янгитдан апелляция тартибида кўриб чиқишда, мазкур жиноят иши бўйича судланган ■■■■ кўрсатувларидан келиб чиққан ҳолатда, унинг ишчиси Валиевнинг шахсини ■■■■, уни судда сўроқ қилиш ва ■■■■ билан юзлаштириш билан



боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказиш сўралган бўлса-да, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда [REDACTED] айнан “[REDACTED]” фамилияли ишчисини аниқлашни имкони бўлмади.

Бироқ, апелляция инстанцияси судида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган [REDACTED] кўрсатувларини тинглаш жараёнида, [REDACTED] яқин қариндошларининг таъкидлашича, [REDACTED] фамилиясини “[REDACTED]” деб билишини ва шу сабабли кўрсатувларида ҳам уни “[REDACTED]” деб таништирганини таъкидлаб ўтишди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, [REDACTED] гувоҳлик кўрсатувида [REDACTED] макарон цехида ёлланма ишчи бўлиб ишлаганини, 2019 йилда санаси ёдида йўқлиги иши эртароқ тугаганлиги учун [REDACTED] унга “[REDACTED] бир кишига пул бериб келамиз”-деганини, шундан сўнг [REDACTED] ишхонадан пул солинган қутиларни автомашинага юклаганини [REDACTED] кетиш йўлида [REDACTED] аёл кишига қўнғироқ қилиб, пулни қаерга олиб боришини сўрагани, аёл киши “[REDACTED] келганингиздан кейин қўнғироқ қилинг, ўзим айтаман қаерга бориш кераклигини” дегани, [REDACTED] туманига кетиш йўлида пулни [REDACTED] бергани ҳақида кўрсатув бериб ўтган.

Судланувчи [REDACTED] билан гувоҳ [REDACTED] юзлаштирилганида, [REDACTED] кўрсатувларини рад этиб, [REDACTED] пул олмагани ва [REDACTED] танимаслигини билдириб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг [REDACTED] йил [REDACTED] “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги [REDACTED]-сонли Қарорининг 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши далиллар мақбулликнинг шартлари ҳисобланиши;

-шу Қарорнинг 10-бандида, тушунтирилсинки, жиноят тўғрисидаги ариза, хабар билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар, предметлар (нарсалар), фотосуратлар, аудио-видеоёзувлар фақат ушбу материалларни тақдим этган шахслар иш қўзғатилгандан кейин сўроқ қилинган ва тақдим этилган ҳужжатлар, предметлар (нарсалар) ким томонидан, қачон, қаерда, қандай ҳолатларда топилганлиги ёки фотосурат, аудио-видеоёзувлар амалга оширилганлиги аниқланган ҳолдагина мақбул далил сифатида фойдаланилиши мумкинлиги, тақдим этилган предметлар (нарсалар)ни мақбул далил деб топишнинг зарур шarti уларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённома тузилганидан сўнг чиқариладиган, предметлар (нарсалар)ни ишга ашёвий далил сифатида қўшиш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳисобланиши тўғрисида судларга раҳбарий кўрсатмалар берилган.



Иш ҳужжатларида, [REDACTED] томонидан [REDACTED] йил [REDACTED] кунда “мен [REDACTED] йил [REDACTED] ойлари охирида фуқаро [REDACTED] сўм қарз сифатида олдим ва мен [REDACTED] берган пулларимни яъни қулидан олган ва ун ва ун маҳсулотлари берган пулини қайтариб бераман”-деб ёзган тилхатининг нусхаси илова этилган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг [REDACTED] вилоят бўлимининг [REDACTED] йил [REDACTED] июндаги хулосасида, [REDACTED] йил [REDACTED] ёзилган тилхатдаги ёзув ва имзолар битта нусха кўчириш аппаратида ксерокопия қилингани, [REDACTED] номидан ёзилган тилхатдаги ёзув ва имзолар сканер ёки бошқа техника ёрдамида монтаж қилинмагани, тилхатни асл нусхасидан ксерокопия қилингани, тилхатдаги имзолар [REDACTED] томонидан бажарилганлиги қайд этилган.

Апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинган [REDACTED], [REDACTED] йил баҳор ойида [REDACTED] сўм қарздорлиги ҳақида тилхат ёзиб бергани, орада икки кун ўтиб, [REDACTED] ва адвокати ҳамда акаси [REDACTED] билан уни олдига келиб [REDACTED] “мен катта кредит оламан, олгунимга қадар [REDACTED]” ХКга ажратилган кредит ёпиб тур, кредит олганимдан кейин барча кредитларни ёпаман, [REDACTED] пул олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берибди, шу тилхатни тўғри ёзганлигига ишонч ҳосил қилай, тилхатни берчи” дегани, кейин у тилхатни бергани, акаси тилхатни ўқимасдан йиртиб ташлагани, мазкур тилхатни ҳар эҳтимолга бир нечта нусха қилиб қўйгани, [REDACTED] 2-3 ой ичида молиявий ёрдамни қайтаришини айтгани учун [REDACTED] қизи ЯТТ “ [REDACTED] га молиявий ёрдам тариқасида [REDACTED] сўм кўчиргани, [REDACTED] тегишли “ [REDACTED] ” МЧЖга молиявий ёрдам учун пул кўчиргани, [REDACTED] “Агробанк”дан қарздорлиги [REDACTED] фоиз қоплагани, [REDACTED] тўланган пулини қайтариб беришини сўраганида бирор-бир банкдан каттароқ кредит олиб бирга ишлашни таклиф қилгани, [REDACTED] берган пулини қайтариб олиш мақсадида [REDACTED] билан [REDACTED] сўм кредит олиб, [REDACTED] сўмни ўзига олиб қолиб, [REDACTED] сўмни [REDACTED] беришга келишгани, [REDACTED] биринчи марта уйига бориб [REDACTED] ёки [REDACTED] сўм пул бергани, уни уйига турмуш ўртоғи [REDACTED] билан боргани, иккинчи марта [REDACTED] сўм бергани, унда ҳам [REDACTED] билан боргани, учинчи марта [REDACTED] пулни бериш учун укаси ёки ишчиси [REDACTED] билан боргани, [REDACTED] қаерда яшашини билмаслиги, турмуш ўртоғи [REDACTED] ҳақида маълумотга эга эмаслиги, биринчи кредит ажратилгандан сўнг [REDACTED] йил [REDACTED] ойига қадар [REDACTED] бўлиб бўлиб жами [REDACTED] сўм пул бергани, бироқ неча марта бўлиб бергани ва пуллар қандай купюрада бўлганлигини эслай олмаслиги, мазкур пулларни берганлиги ҳақидаги [REDACTED] йилда тилхат ёзиб бергани, иккинчи кредит ажратилганидан сўнг [REDACTED] йил [REDACTED] ёки май ойида [REDACTED] сўм ва [REDACTED] халта жами [REDACTED] тонна олий навли унни яъни [REDACTED] сўмга ҳисоблаб [REDACTED] бергани, бундан ташқари ишлаб [REDACTED] ўрган макарон маҳсулотни сотиб, [REDACTED] марта [REDACTED] сўм



нақд пул бергани, жами бўлиб [REDACTED] сўм пул бергани, қолганини ўзи олиб қолгани, пулларни [REDACTED] уйида ва “Соғломлаштириш маркази” биносида ва [REDACTED] билан гаплашиб кўчада бергани, ҳамма ҳолатни қачон ва қанча берганини элай олмаслиги, ўзининг бошқарувидаги “ [REDACTED] ” ХКсида [REDACTED] та, турмуш ўртоғи [REDACTED] номида бўлган “ [REDACTED] ” ХКни цехида 1 та макарон ишлаб чиқариш ускунаси бўлганлигини, турмуш ўртоғининг номида “Рохловон Фирдавсбек” ХКни ҳам ўзи юритгани, турмуш ўртоғи фақат у айтган қоғозларга имзо қўйиши, [REDACTED] билан [REDACTED] сўм кредит олиб, [REDACTED] сўмни ўзига олиб қолиб, [REDACTED] сўмни [REDACTED] беришга келишгани, [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрдаги [REDACTED] -сонли кредит шартномага асосан “ [REDACTED] ” ХКга [REDACTED] сўмдан [REDACTED] сўмини “ [REDACTED] ” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ун маҳсулотлари олиш учун, [REDACTED] сўмни “ [REDACTED] ” ХК ҳисоб рақамидан “ [REDACTED] ” ХК ҳисоб рақамига макарон ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун кўчириб бергани, шундан сўнг “ [REDACTED] ” ХКнинг ҳисоб рақамига тушган пулни ҳам “ [REDACTED] ” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ун маҳсулоти сотиб олиш учун ўтказиб юбориб, ун олиб келиб макарон ишлаб чиқариб, макарон маҳсулотини харидорларга нақд пулларга сотиб, касса аппаратидан чек урмасдан, банкка топширмасдан келишувга кўра [REDACTED] сўм пулларни [REDACTED] бергани, [REDACTED] сўмни ўзи олиб қолгани, [REDACTED] йил [REDACTED] ойларида [REDACTED] унга “Агробанк” [REDACTED] филиалидан қарздорлиги мавжудлиги сабабли банк ходимлари унинг гаровга қўйилган бинони сотувга қўйишмоқчи эканлигини айтгани, шунда у одамгарчилик юзасидан “ [REDACTED] ” ХК ҳисоб рақамидан [REDACTED] сўмни кўчириб [REDACTED] банкдан қарздорлигини тўлагани кейин [REDACTED] тўланган пулини қачон қайтариб беришини сўрагани, [REDACTED] 1 ой муддат ичида қайтариб беришини, акаси [REDACTED] сабабли вилоятнинг барча банклари унга кредит бермаётганини, бирор-бир банкдан каттароқ кредит олиб бирга ишлашни таклиф қилгани, [REDACTED] берган [REDACTED] сўм пулини қайтариб олиш мақсадида [REDACTED] билан [REDACTED] сўм кредит олиб, [REDACTED] сўмни ўзига олиб қолиб, [REDACTED] сўмни [REDACTED] беришга келишгани, сўнг [REDACTED] билан “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиалига боришиб, “ [REDACTED] ” ХКнинг устави, баланс ҳисоботи, гувоҳномаси, обороткасини ва [REDACTED] тегишли “ [REDACTED] ” биносининг кадастр ҳужжатларини тақдим қилишгани, банк бошқарувчиси [REDACTED] унга бирдан [REDACTED] сўм бера олмасликлари дастлаб [REDACTED] сўм беришларини, қолганини кейин беришларини айтгани, у рози бўлгани, [REDACTED] нотариал идорага боргани, агарда нотариал идорага бормаса нотариус гаровга қуювчининг иштироксиз ипотека шартномаси тузмаслиги, бундан ташқари [REDACTED] мазкур кредит ажратилишини хоҳламаганида баҳолаш далолатномаларини, суғурта шартномасини имзоламаган бўлиши, бироқ [REDACTED] ушбу ҳужжатларни имзолагани, мазкур ҳолатда [REDACTED] кредитлар ажратилиши ҳақида билгани, [REDACTED]



“Соғломлаштириш маркази” биносини гаровга қўйиш ҳақида розилик хатини ёзиб бергани, бу тилхат банкда ва нотариусда мавжудлиги, [REDACTED] рози бўлгани учун “Соғломлаштириш маркази” биноси навбатдаги гаровга олинди, иккинчи марта кредит ажратилгани, ипотека шартномасини нотариал тартибда расмийлаштирилгани, кредит расмийлаштириш жараёнининг барча ҳолатида [REDACTED] иштирок этиб келгани, фуқаролик ишлари бўйича судида қарздорликни қоплашлари учун 1 ой муддат берилгани, судда [REDACTED] тинчлантириш учун, тез кунда кредитни тўлашини айтгани, [REDACTED] кредит пулини тўлмай бошлаганидан сўнг кредит пулини ундириш [REDACTED] гаров мулкига қаратилиши билиб банк ходимларга атайин тез кунда кредит қоплайман деб айтиб муддатни чўзиб келгани ҳақида кўрсатув бериб ўтган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати, [REDACTED] [REDACTED] сўм олганлиги тўғрисидаги тилхат айнан [REDACTED] томонидан бажарилганлиги қонунда белгиланган тартибда аниқлангани сабабли ушбу далилни мақбул далил деб топишни ва [REDACTED] қарама-қарши бўлган тарафларнинг кўрсатувлари иш ҳолатларига мос келиши туфайли уларни ишончга сазавор деб, бу кўрсатувларни [REDACTED] айблаш ҳақида асос сифатида эътироф этиб, [REDACTED] кредит пулларида манфаатдор бўлмагани, [REDACTED] ва унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] уни алдаб мулкини гаровга қўйганлиги ҳақидаги вазиятини рад этиб, жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирилган деб топишни лозим топади.

Шунингдек, [REDACTED] йил [REDACTED] “Микрокредитбанк” АТБ [REDACTED] филиали билан “ [REDACTED] ” хусусий корхонаси ўртасида тузилган [REDACTED]-сонли кредит шартномасига асосан мақарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна ва ун маҳсулоти сотиб олиш учун 36 ой муддатга [REDACTED] сўм ажратилиб, кредит маблағи таъминоти сифатида [REDACTED] тегишли “ [REDACTED] ” биноси томонлар ўртасида тузилган баҳолаш далолатномасига асосан [REDACTED] сўмга баҳоланиб гаровга олинган ҳамда [REDACTED]-сон билан [REDACTED] тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси [REDACTED] томонидан тақиққа қўйилгани;

[REDACTED] вилоят ДСИ бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш далолатномасида, [REDACTED] “Микрокредитбанк” АТБ [REDACTED] филиали томонидан “ [REDACTED] ” хусусий корхонасига мақарон ишлаб чиқарувчи ускуна ва ун маҳсулотлари сотиб олиш учун [REDACTED] сўм кредит маблағи ажратилгани, ХК томонидан “ [REDACTED] ” МЧЖ билан тузилган [REDACTED]-сонли шартномага асосан ушбу МЧЖга [REDACTED] сўм, [REDACTED] йил [REDACTED] сўм ун маҳсулотлари [REDACTED] ҳисоб фактурага асосан “ [REDACTED] ” хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига мақарон ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиш учун [REDACTED] сўм кўчириб бергани, “Talibarzu Bunyod” МЧЖдан жами [REDACTED] №Т0246, №Т0247, №Т0248, №Т0249-сонли ҳисоб



фактурага асосан жами [REDACTED] сўмлик [REDACTED] кг. ун маҳсулотларини, [REDACTED] ҳисоб [REDACTED]-сонли фактурага асосан [REDACTED] сўмлик 1 комплект макарон ишлаб чиқариш ускунасини қабул қилиб олганлиги;

[REDACTED] “Микрокредитбанк” АТБ [REDACTED] филиали томонидан “Paxlavon Azizjon Shirinboyev” хусусий корхонасига ун маҳсулотлари сотиб олиш учун [REDACTED] сўм кредит маблағи ажратилгани, ХК томонидан “Talibarzu Bunyod” МЧЖ билан тузилган [REDACTED] [REDACTED]-сонли шартномага асосан ушбу МЧЖга олий навли ун олиш мақсадида [REDACTED] йил [REDACTED] сонли тўлов топшириқномасига асосан [REDACTED] сўм, [REDACTED] йил [REDACTED] сонли тўлов топшириқномасига асосан [REDACTED] сўм, [REDACTED] мартдаги тўлов топшириқномасига асосан [REDACTED] сўм жами [REDACTED] сўм кўчириб берилгани, “[REDACTED]” МЧЖдан жами [REDACTED] йил [REDACTED] июндаги 00352-, 00353, 00354, 00355, 00356, 00357, 00358, 00359, 00360, 00361, 00362, 00363, 00364, 00,365, 00366-сонли ҳисоб фактураларга асосан жами [REDACTED] сўмлик [REDACTED] кг ун маҳсулотларини қабул қилиб олганлиги;

хусусий корхонада ҳисоб китоб тўлиқ юритилмаганлиги сабабли ушбу маҳсуллар корхона ҳисоб рақамига кирим қилинганлигига аниқлик киритишнинг имкони бўлмагани, корхонада хом-ашё ва қолдиқ тайёр маҳсулотлар (макарон маҳсулотлари) мавжуд эмаслиги, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунасининг русуми ноаниқлиги, номсиз қўлбола усулда тайёрланган ускуна ўрнатилганлиги;

корхонага “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиали ҳисоб рақамида кирим қилинган пул маблағлари [REDACTED] сўмни, чиқим қилинган пул маблағлари [REDACTED] сўмни, “Микрокредитбанк” АТБ [REDACTED] филиали ҳисоб рақамида кирим қилинган пул маблағлари [REDACTED] сўмни, чиқим қилинган пул маблағлари [REDACTED] сўмни ташкил қилиши;

банк кредити асосий қарзи учун [REDACTED] минг сўм ундирилгани, солиқ ва ажратмалар учун [REDACTED] минг сўм ажратилгани, [REDACTED] та кредит бўйича олинган жами [REDACTED] сўмдан тўлови жами [REDACTED] минг сўмни, тўланмасдан қолган кредит маблағи қарздорлиги [REDACTED] минг сўмни ташкил қилиши, ушбу кредит маблағининг фоизи учун корхонанинг ҳисоб рақамидан жами [REDACTED], [REDACTED] минг сўм ундирилгани, корхонанинг банк ҳисоб рақамидаги кирим [REDACTED] чиқим ҳаракатларида товарларни нақд пулга сотишдан жами [REDACTED], [REDACTED] инг сўм тушум бўлганлиги, корхонада назорат касса машинаси рўйхатга олинмагани, нақд савдо пуллари НКМдан чекки қатъий ҳисобда турувчи бир марталик патталар берилмагани, ушбу [REDACTED] минг сўм нақд савдо пуллари банк муассисига кирим қилинганлиги, мутахассис хулосасида, “[REDACTED]” хусусий корхонаси томонидан “[REDACTED]” хусусий корхонасига макарон ишлаб чиқариш ускунаси етказиб берилганлиги тўғрисидаги юк хати ва ҳисоб шартномалар бир бирига мос келмаслиги, [REDACTED] банк ходимлари [REDACTED] томонидан жойига борган ҳолда кредитни мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилган мониторинг текширувида ажратилган [REDACTED] сўм кредит маблағи эвазига ун хом ашёси сотиб олинмагани, корхона фаолият юритмаётгани, ажратилган



кредит мақсадсиз ишлатилгани аниқланиб, миждозга оғзаки огоҳлантириш берилгани, [REDACTED] куни ўтказилган қайта мониторинг текширувида корхона фаолиятни амалга оширмаётгани, кредит маблағидан самарасиз фойдаланилгани ҳолати [REDACTED] судланувчи [REDACTED] билан тил бириктириб [REDACTED] иштирокчилигида банкдан олган жами [REDACTED] сўм кредит пулларини ўзлаштирганлигини тасдиқлайди.

Гувоҳ [REDACTED] судда [REDACTED] кунига қадар [REDACTED] тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси бўлиб ишлагани, кредит олувчи фуқаро [REDACTED] ва бинони гаровга қўювчи фуқаро [REDACTED] ундан “ [REDACTED] ” биносини гаровга қўйиш юзасидан ипотека гаров шартномасини расмийлаштириб беришни сўраб муурожаат қилишгани, шундан сўнг у уларга ушбу шартномани расмийлаштириш учун керак бўладиган ҳужжатлар рўйхатини, яъни банк кредит шартномаси, банк ва гаровга қўювчи ўртасида гаровга қўйиладиган мулкни баҳолаш далолатномаси, суғурта шартномаси, бинога эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжатларини олиб келишини айтгани, бу гаплар Ипотека гаров шартномаси расмийлаштирилишидан олдин, яъни [REDACTED] бўлгани [REDACTED] куни Ипотекага олувчи “Микрокредитбанк” АТБ [REDACTED] филиали раҳбари [REDACTED], қарз олувчи “ [REDACTED] ” хусусий корхонаси раҳбари [REDACTED] Ипотекага қўювчи [REDACTED] керакли барча ҳужжатларни тўплаб, [REDACTED] тумани 1-сонли давлат нотариал идорасига келишгани, у керакли барча ҳужжатларни тўлиқлигини кўриб қабул қилиб олгани, унга тақдим этилган барча ҳужжатларга тегишли тарафлар томонидан имзоланган ҳолатда тақдим этилгани, шундан сўнг у томонларга гаров шартномасининг мазмун-моҳияти, унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб бергани, томонлар унинг олдида ўзларининг розилиklarини билдиришганлиги сабабли у юқоридаги [REDACTED] кундаги реестр рақами [REDACTED] бўлган гаров шартномасини 3 нусхада тузгани ва томонлар унинг олдида ушбу гаров шартномасини имзолаб беришгани, ушбу шартноманинг бир нусхаси банкка, бир нусхаси қарз олувчи [REDACTED] ва бир нусхаси гаровга қўювчи [REDACTED] топширилгани, у фуқаро [REDACTED] тадбиркор сифатида [REDACTED] йилдан буён таниши, [REDACTED] тадбиркор бўлганлиги сабабли, ҳар йили камида бир ёки икки марта мол-мулкларини гаровга қўйиб, банкдан кредит олиб туриши, бевосита ипотека гаров шартномаларини нотариус сифатида ўзи тасдиқлаб бергани, шу сабабли ҳам [REDACTED] банк кредити ва гаров шартномаларининг мазмун-моҳиятини, унинг ҳуқуқий оқибатини агар қарз олувчи қарзини тўлай олмаса ундирув банк томонидан гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилиши мумкинлигини яхши билиши, лекин, шундай бўлса ҳам у [REDACTED] куни Ипотека шартномасини расмийлаштиришда гаровга қўювчи фуқаро [REDACTED] амалдаги фуқаролик кодексининг, гаров шартномасининг мазмун-моҳиятини, унинг ҳуқуқий оқибатларини, агар қарз олувчи [REDACTED] ўзининг кредит қарзларини ўз вақтида қайтара олмаса қарздорлигини ундириш гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилиши кинлигини батафсил тушунтириб бергани, шундан сўнг фуқаро



■. ■■■■■ ўзи ушбу шартларга розилигини билдириб Ипотека шартномасини имзолаб бергани, ■■■■■ йил ■■■■■ кунда Ипотекага олувчи “Микрокредитбанк” АТБ ■■■■■ филиали раҳбари ■■■■■, қарз олувчи “■■■■■” хусусий корхонаси раҳбари ■■■■■, Ипотекага қўювчи фуқаро ■■■■■ унга навбатдаги ипотека шартномасини расмийлаштириб беришини сўраб муурожаат қилишгани, шунга асосан ва Ипотекага олувчи “Микрокредитбанк” АТБ ■■■■■ филиалининг ■■■■■ йил ■■■■■ кундаги навбатдаги гаровга розилик хатига асосан навбатдаги ипотека шартномасини расмийлаштириб бергани, ушбу ипотека шартномаларини расмийлаштиришда у гаровга қўювчи фуқаро ■■■■■ агар қарз олувчи ■■■■■ ўзининг кредит қарзларини ўз вақтида қайтара олмаса қарздорлигини ундириш гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилиши мумкинлигини батафсил тушунтириб бергани, ■■■■■ ва бошқа томонлар ўзларининг розиликлари билан навбатдаги ипотека шартномасини имзолаб беришгани ҳақида кўрсатув берган.

Бундай ҳолда, ■■■■■ “■■■■■” биносини кадастр ҳужжатларини ■■■■■ ва ■■■■■ ўз ихтиёри билан гаровга қўйиш учун бериб, нотариал идорага бориб ўз ихтиёри билан имзо қўйган вазиятда, ■■■■■ ва ■■■■■ уни алдаб мулкни гаровга қўйган деб бўлмайди, чунки, ■■■■■ “■■■■■” биносини кадастр ҳужжатларини бермаслиги ва нотариал идорага бориб имзо қўймаслиги ҳамда ■■■■■ ва ■■■■■ унинг биносини кадастр ҳужжатини олиб кетган бўлса ёки банк раҳбарияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга муурожаат қилиш имконияти бўлган.

Судланувчи ■■■■■ ушбу важлари ишнинг ҳақиқий ҳолатига тўғри келмайди ҳамда биринчи инстанция судининг ҳукмида қайд этилган судланувчилар, гувоҳларни кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ рад қилинади.

Судланувчи ■■■■■ томонидан тақдим этилган, ■■■■■ ва ■■■■■ ўртасида бўлган суҳбат ёзиб олинган “СД” дискда, ■■■■■ тез кунларда бошқа кредит чиқариб, олинган кредитни ёпиши, гаровга қўйган биноси қайтарилишини таъкидлаган. Бироқ суҳбатда ■■■■■ ■■■■■ алдаб, уни мулкни гаровга қўйганлиги ҳолати тўғрисида бирон-бир ҳолат қайд этилмаган.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати, ■■■■■ кредит берилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Йўриқнома талаблари бузилганлиги, нотариус тақиққа қўйилган мулкни тақиқдан чиқармасдан, асоссиз равишда иккинчи маротаба гаровга қўйилганлиги, кредитлар берилишидаги ва кредит берилгач мониторинг ўтказилишидаги ҳужжатлар сохталаштирилганлиги, банк томонидан кредит берилишида кредит сиёсати талаблари бузилганлиги, мулкни баҳолаш далолатномасидаги имзолар сохталаштирилганлиги, ■■■■■ биринчи олган кредитининг мақсадли ишлатилиши текшириб кўрилмаганлиги, ■■■■■ кредитни ■■■■■ млн сўмини бошқа кредитни ёпишга йўналтирилганлиги, бизнес режа бажарилмаганлиги, график асосида кредит фоизларини тўлаш муддатлари



бузилганлиги, солиқ органларига ҳисоботлар топширилмаганлиги, ■■■■■■■■■■ корхоналарини солиқ қонунчилигига риоя қилиш ҳолатлари текширилмаганлиги, кредит бюросидан розилик олинмаганлиги, ■■■■■■■■■■ ва банк ходимларига нисбатан жиноят ишининг қисми асосиз равишда ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ тугатилганлиги ҳақидаги шикоятда келтирган важларини ҳам салбий баҳолайди.

Биринчи инстанция суди ■■■■■■■■■■ нисбатан айблов ҳукми чиқаришда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талабларига риоя қилинган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг ■■■■■■■■■■ “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 1-бандидаги “ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт”лиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда иш юритиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берган.

Шунингдек, биринчи босқич суди, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланувчи ■■■■■■■■■■ эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,167-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Суд, жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ■■■■■■■■■■ йил ■■■■■■■■■■ “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ■■■■■■■■■■ 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг талабларига риоя қилиб, судланувчи ■■■■■■■■■■ шахсини, муқаддам судланмаганлигини ва нафақахўрлигини ЖКнинг 55-моддаси асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, айбида ЖКнинг 56-моддасида қайд этилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этиб, қайд этилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар эканлигини назарда тутиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли қарор қабул қилган.



Бироқ, суд, жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласида, зарарни гаровга қўйилган [REDACTED] тегишли бўлган мулкка қаратиб хатоликка йўл қўйган.

Чунки, [REDACTED] тегишли бўлган [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] боғи ҳудудида жойлашган [REDACTED] сўмга баҳоланган “ [REDACTED] ” мажмуаси ажратилган кредитнинг гаров таъминоти сифатида АТБ “ [REDACTED] ” [REDACTED] филиали томонидан таъқиқга қўйилган бўлиб, агарда ажратилган кредит юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, банк фуқаролик ёки иқтисодий суд иш юритуви тартибида таъминотни мулкка қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу боис, судлов ҳайъати, суд ҳукмининг жиноят оқибатида етказилган зарарни [REDACTED] тегишли бўлган мулкка қаратишга оид қисми бекор қилиб, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] солидар тартибда АТБ “Микрокредитбанк” [REDACTED] филиали фойдасига [REDACTED] сўм ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 497¹³-497¹⁸ 497²⁶, 497³⁰-497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] йил [REDACTED] ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилсин.

Суд ҳукмининг жиноят оқибатида етказилган зарарни [REDACTED] тегишли бўлган [REDACTED] ([REDACTED]) сўмга баҳоланган [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] боғи ҳудудида жойлашган “ [REDACTED] ” мажмуасига қаратишга оид қисми бекор қилинсин.

Судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] солидар тартибда АТБ “ [REDACTED] ” [REDACTED] филиали фойдасига [REDACTED] ([REDACTED]) сўм ундирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз, апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶, 499, 500-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

[REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED]

